



МУРОДОВА ДУРДОНА

ўқитувчи, ТДШУ

**Пак Вансонинг “Шунча шингани ким еган?” романида миллат муаммосининг бадий талқини**Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-02-04>

**Аннотация.** Замоनावий корейс адабиётларда долзарб масалалардан бири- миллат муаммоси замонавий корейс адабиётларда ўз ўрнига эга адиба Пак Вансо ижодида етакчилик қилади. Адиба Пак Вансонинг автобиографик руҳда яратилган қатор асарлари, жумладан мазкур мақолада таҳлилга тортилган “Шунча шингани ким еган?” романида ҳам фуқаролар урушининг барча иллатлари фош қилинади. Адиба Пак Вансо фуқаролар урушининг салбий оқибатларини бир оила мисолида очиб берган бўлса, фуқаролар уруши мавзусига биринчилардан бўлиб тўхталган адиб Чхве Инхун ўз асарларида миллат муаммосини “Майдон” рамзида очиб беради. Ижодкорлар урушни турли кўринишида таҳлил қилишган бўлиши-да, улар қаламига мансуб асарларда муштарак мавзу бўлган бўлинган миллат муаммоси устунлик қилади. Хусусан, мазкур асарларда учта гоё мавжуд бўлиб, адиба бу гоёларни ўз оиласи мисолида очиб берса, адиб Чхве Инхуннинг “Майдон” асарида бўлса бу уч гоёни уч майдон рамзида берилиши билан тавсифлидир. “Шунча шингани ким еган?” романи адиба Пак Вансонинг болалик хотираларига, “Майдон” романи адиб Чхве Инхуннинг уруш ҳақидаги ўсмирлик хотиралари ҳамда оиласи билан кўрган-кечирганлари, шунингдек ҳарбий хизмат давридаги воқеаларга асосланиб ёзган. Чхве Инхун ҳам, Пак Вансо ҳам ҳар бири ўзининг услуби билан ажралиб туради, аммо уларнинг асарларини муштарак мавзу “уруш” ва “бўлиниш” масаласи бирлаштириб туради. Уруш даври воқеаларига гувоҳ бўлган адиба Пак Вансо ижодидан “Шунча шингани ким еган?” ва адиб Чхве Инхун қаламига мансуб “Майдон” асарлари нафақат бадий балки тарихий қимматга эга бўлган бебаҳо асарлардир.

Хусусан, XX аср замонавий корейс адабиёти янги мавзу- фуқаролар уруши ва унинг салбий оқибатлари билан характерлидир. Мазкур даврда ижод қилган ҳар бир ижодкор миллат муаммосини ўз қарашлари билан баён қилади. Пак Вансонинг “Шунча шингани ким еган?” ва Чхве Инхуннинг “Майдон” романларидаги миллат муаммосининг бадий талқини мазкур мақолада таҳлилга тортилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Пак Вансо, “Шунча шингани ким еган?”, Чхве Сохе, “Қочқиннинг мактуби”, Чхве Инхун, “Майдон”, “махфий хона” (“밀실”), “майдон” (“광장”), “бетараф мамлакат” (“중립국”).

**Аннотация.** Одной из самых актуальных проблем современной корейской литературы является проблема *natsiu*, во главе которой стоит Пак Вансо, писатель, занимающий видное место в современной корейской литературе. Ряд автобиографических произведений Пак Вансо, в том числе «Кто съел так много черепицы?» роман также разоблачает все пороки Гражданской войны. Пак Вансо описывает негативные последствия гражданской войны на примере семьи, а Чхве Инхун, один из первых, кто обратился к проблеме гражданской войны, раскрывает проблему *natsiu* в своей работе с символом «Квадрат». Хотя создатели по-разному анализировали войну, преобладает проблема разделенной *natsiu*, которая является общей темой в написанных ими произведениях. В частности, в этих произведениях присутствуют три идеи, и эти идеи писатель раскрывает на примере своей семьи, а в произведении писателя Чхве Инхуна «Квадрат» эти три идеи представлены символом трех полей. «Кто съел так много черепицы?» Роман основан на детских воспоминаниях писателя Пака Вансо, роман «Квадрат» основан на воспоминаниях юности писателя Чхве Инхуна о войне и его семье, а также о событиях его военной службы. И Чхве Инхун, и Пак Вансо различаются по стилю, но их творчество объединяет общая тема «войны» и «разделения». «Кто съел так много черепицы?» а произведения «Квадрат» написанные писателем Чхве Инхун, представляют собой бесценные произведения исторической ценности.

В частности, для современной корейской литературы XX века характерна новая тема - Гражданская война и ее негативные последствия. Каждый художник, творивший в этот период, своими взглядами выражает проблему *natsiu*. В статье анализируется художественная интерпретация проблемы *natsiu* в романах Чхве Инхуна «Квадрат» и Пак Вансо «Кто съел так много черепицы?».

**Опорные слова и выражения:** Пак Вансо, “Кто съел так много черепицы?”, Чхве Сохе, “Письмо от беженца”, Чхве Инхун, “Квадрат”, “секретная комната” (“밀실”), “поле” (“광장”), “нейтральная страна” (“중립국”).

**Abstract.** One of the most pressing issues in modern Korean literature is the problem of the nation, led by Pak Vanso, a writer who has a place in modern Korean literature. A number of autobiographical works by Pak Vanso, including “Who eat so much shingle?” the novel also exposes all the vices of the Civil War. Pak Vanso





describes the negative effects of the civil war on the example of a family, while Chhve Inhun, one of the first to address the issue of civil war, reveals the problem of the nation in his work with the symbol "Square". Although the creators have analyzed the war in different ways, the problem of a divided nation, which is a common theme in the works they write, prevails. In particular, there are three ideas in these works, and the writer reveals these ideas on the example of his family, while in the work of the writer Chhve Inhun "Square" these three ideas are represented by the symbol of three fields. "Who ate so many shingle?" The novel is based on the childhood memories of writer Pak Vanso, the novel "Square" is based on the memories of the writer Chhve Inhun's adolescence about the war and his family, as well as the events of his military service. Both Chhve Inhun and Pak Vanso each differ in their style, but their work is united by a common theme of "war" and "division". "Who ate so much shingle?" by Pak Vanso and "Square" which were written by the writer Chhve Inhun, are priceless works of historical value.

In particular, modern Korean literature of the twentieth century is characterized by a new theme - the Civil War and its negative consequences. Every artist who has created in this period expresses the problem of the nation with his own views. In this article is analyzed the artistic interpretation of the problem of nation in work of Pak Vanso's novel "Who ate so much shingle?" and Chhve Inhun's novel "Square".

**Keywords and expressions:** Pak Vanso, "Who ate so many shingle?", Chhve Sohe, "Letter of the fugitive", Chhve Inhun, "Field", "neutral country" ("탈실"), "area" ("광장"), "secret room" ("중립국").

**Кириш.** Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама чуқурлашиб, бугунги кунда ўзаро муносабатларнинг 30 йиллиги муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Корейс халқининг ан'анавий урф одатлари ва миллий маданияти жозибасига мамлакатимиз илмий жамоатчилигининг қизиқиши кучайиб бормоқда.

Корейс ва ўзбек халқининг дўстона муносабатлари муносабатлари узоқ мозийга бориб такалади, бу эса ўз узидан битмас-туганмас маданий мерос тарихини ўрганиш, унинг мохиятини ёритиб бериш вазифасини кун тартибига кўяди. Шу нуқтаи назардан олиб караганда, корейс маданиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган бадий адабиёт, хусусан, XX аср адабиёти алоҳида аҳамият касб этади. Бадий асарларда ўз аксини топган XX асрларга хос бўлган фуқаролар уруши ва унинг салбий оқибатлари, миллат муаммоси, ижтимоий зиддиятлар, адабий-маданий ҳаёт ходисаларни илмий жихатдан ёритишга зарурат сезилади.

**Мақсад ва вазифалар:** XX аср корейс насрининг долзарб муаммоларидан бири фуқаролар урушининг адиба Пак Вансо қаламига мансуб "Шунча шингани ким еган?" романи мисолида очиб бериш, шунингдек, адиб Чхве Инхуннинг "Майдон" асари билан умумий жихатларига тўхталиб ўтишдан иборат.

**Усуллар:** Маколани ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадий асарни комплекс таҳлил қилиш, таснифлаш методларидан фойдаланилган.

Корейс халқи учун фуқоралар уруши ҳеч қачон нутилмайдиган, абадиятга дахлдор ходиса. Узоқ давом этган мустабид замонлардан сўнг қўлга киритилган мустақиллик халқ кутган натижани бермади. Аксинча халқ кучли давлатлар қўлида пароканда бўлди, миллатнинг икки хил мафкура остида бўлиниб кетиши оқибатида ака-укалар бир-бирига ўқ узишди. Уруш нима сабаб содир бўлгани, мафкуравий бўлиниш учун асосий омил бўлиб хизмат қилган ҳодиса мавҳум бўлиб қолди.

Кутилмаган ҳужум ва отишмалар сабаб кўп оилалар яшаш жойларини тарк этишга мажбур бўлишди, яқинларини йўқотишди ва қайси жамиятда яшаётганликларини англаб етишмади. Уруш бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлди. Уруш инсонларни худбин қилди, бир-бирига бўлган ишончини йўқотди, инсон йиртқич жонзотга айланди. Натижада одамлар руҳий ва жисмоний азобларга дучор бўлишди. Халқи билан бирга мана шундай оғриқли ва азобли ҳаётни бошидан кечирган ёзувчилар ўзларининг қарашларини ва урушга бўлган муносабатларини қоғозга туширишди.

Кимдир тарихий, кимдир автобиографик асарлар яратди, содир бўлган воқеаларга турли воситалар орқали мурожаат қилди. Ёзувчи ҳам ана шу халқнинг бир фарзанди сифатида замон аҳволига ачинди, халқи учун куйинди, айниқса бир инсон фарзандининг қўлидаги





курол ўз жигарига ўқталгани уни ташвишга солиб қўйди. Шу сабабли фуқоралар уруши даврига бағишланган асарлар корейс адабиётида алоҳида ўрин тутди.

Уруш даври воқеаларига гувоҳ бўлган адиба Пак Вансо насрида “уруш” мавзуи муҳим саналади. Бу ҳақида адибанинг ўзи шундай фикр билдириб ўтган:

*“Мен яратган асарларнинг маиҳурлиги шундаки, у объектив воқеликка асосланган, шунинг учун ҳам у кечагидек равшан, жонли ва ишончли. Хотиралар вақт ўтиши билан ўз-ўзидан унутилади, тарихга айланади, мен 25-июн<sup>1</sup>да содир бўлган хотираларни ёдга олишдан чарчадим, аммо бошқа иложим йўқ...”*

Ёзувчи бу хотиралар асосида асар яратишга ҳаракат қилди, аммо узоқ вақт иккиланди. Уруш жароҳатлари битмаган, ҳали-ҳануз қон томиб тургани боис, бу қон адибага тинчлик бермади. Жароҳатлар битмай туриб, “қонни тўхтатиш” учун адиба қўлига қалам олди:

*“박완서는 삶의 곡절에서 겪은 아픔과 상처를 반드시 글로 쓰고야 말겠다는 생각으로 고통의 시기를 살아냈다. “이것을 기억했다가 언젠가는 글로 쓰리라.” 숙부와 오빠 등 많은 가족이 희생당했으며 납치와 학살, 폭격 등 죽음이 너무나도 흔한 시절이었다. 이름 없이 죽어간 가족들을 개별적으로 살아 숨 쉬게 하는 것이 처음 글을 쓴 목표였다”<sup>2</sup>.*

*“Жароҳатим битиб кетади, деб хавотирландим. Нимадир ёзиб “қонни тўкишим” керакка ўхшади. Чунки бу менинг шахсий жароҳатим эмас, балки уруш сабаб шавқатсизларча парчаланган барчамизнинг жароҳатимиз эди. Уруш жароҳати – миллат жароҳати”.*

Шу сабабли адиба ўз насрида асосий мавзу сифатида уруш ва бўлиниш масаласини илгари сурди. Пак Вансонинг ҳикоя ва романларида уруш ҳаётнинг абадий эмаслигини яна бир қарра ёдга солади. Уруш оқибатида юзага келган вазият башариятнинг яширин ҳақиқатини кашф этиши учун имконият бўлиб хизмат қилганини алоҳида кўрсатади. Шу сабабли адиба ўз асарларида урушга бир фалокат тарзида ёндашиб, аслида инсонни қайта кашф этади.

Пак Вансонинг “Шунча шингани ким еган?” романи болалик хотираларига бағишланган. Романнинг муқаддимасида муллик шундай ёзади:

*“자화상을 그리듯이 쓴 글. 이런 글을 소설이라고 불러도 되는 건지 모르겠다. 순전히 기억력에만 의지해서 써보았다.*

*쓰다 보니까 소설이나 수필 속에서 한두 번씩 우려 먹지 않은 경험이 거의 없었다. 그러나 그때그때의 쓰임새에 따라 소설적인 윤색을 거치지 않은 경험 또한 없었으므로, 이번에는 있는 재료만 가지고 거기에 맞춰 집을 짓듯이 기억을 꾸미거나 다듬는 짓을 최대한으로 억제한 글쓰기를 해보았다”<sup>3</sup>.*

*“Асар худди автопортретдек ёзилган. Буни роман деб атаса ҳам бўладими, билмайман. Фақат хотирамга суянган ҳолда ёздим. Роман ёки очерк каби асарлар ёзаётганимда хотирамга мурожат этмаган ҳолатлар деярли бўлмаган. Бироқ ҳар сафарги мурожатда хотирам романга хос жилло бериш жараёнидан ўтар эди”.*

Романни яратишда унинг ҳажми ва мувозанатни сақлаш учун хотира материалларидан тўғри фойдаланиш кераклигини англаб етган адиба унутилган хотиралар оралигини табиий равишда боғлаб кетиш учун тасаввур кучига таяниб иш кўради, хотиранинг аниқлигига шубҳаланган ёзувчи “...хотира дегани ҳар бир кишининг тасаввури эканлигини англаб етдим” дейди.

Адиба романининг аввалги асарларидан фарқли жиҳати илк бор ўзини бош қаҳрамон сифатида чизишидир. Шу ўринда муаллиф ўзини бош персонаж сифатида қомил инсон даражасида тасвирлашдан йироқлашиш қанчалик қийин бўлганлигини таъкидлайди.

<sup>1</sup> Koreya urushi boshlangan sana (1950-yil)

<sup>2</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 2-3 bet.

<sup>3</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 36 bet.





Машаққатлар эвазига дунёга келган романда 1940-1950-йиллардаги ижтимоий ҳаёт, унутилаётган қадриятлар, оила мавқеининг пасайиши, илк мустақиллик йиллари, уруш олди воқеалар, инсон қалби каби даврнинг ўткир муаммолари акс эттирилган.

12-бобдан иборат романнинг дастлабки 8 боби адибанинг болалик хотиралари билан боғлиқ бўлса, 9-бобдан бошлаб уруш олди ҳодисалари тасвирланади. Кутилмаганда уйга бир тўда йигитлар бостириб кириб, уйдаги барча нарсаларни синдира бошлашидан япон ҳукуматига барҳам берилгани аён бўлади. Безориларга ўхшаш бу болалар мустаҳкам дарвозани ҳам синдиришаётганида йигитлардан биттаси даврвозага қистирилган тахтача<sup>1</sup>ни юлиб олиб, улоқтириб юборади. Шу кунга қадар буvasи қазо қилганига қарамай на амакиси, на акасининг бу тахтачани ўзгартиришга ҳадди сиғмаган эди.

Йигитлардан биттаси Япониянинг барбод бўлгани, улар эса адибанинг оиласини японларга шерик оила деб ҳисоблашларини билдирди. Ҳатто исм-фамилиясини ҳам ўзгартирмаган оила қандай қилиб японларга шерик бўлишига оила аъзоларининг ақли етмасди. Йигитларнинг бу ҳаракати адоватли зўравонликдан кўра, истибдоддан кутилган, шу кунга қадар эзилган кучларнинг тантанасига ўхшарди. Аслида яқин кунларга қадар япон маъмуриятида меҳнат бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритган амаки сабаб оилага шундай муносабатда бўлишган эди.

Тез орада Кесонг шаҳрига биринчи хориж – Америка қўшини кириб ўрнашди. Мамлакат аҳолиси қўшин аскарларини томоша қилашарди. Уларнинг чапиллатиб сақич чайнашлари, аёлларга кўз қисишлари, кўринган ёш болаларни кўтариб, қучишлари ғайритабиий кўринарди. Шу билан бирга “японларга шерик бўлган ватан хоинларини жазолайлик”, “фалончини сўзсиз қўллаб-қувватлаймиз”, “фалончига мутлоқ қаршимиз” каби шиорлар турар жой бинолари, маҳкама деворларини “безай” бошлади. “Еркинлик”, “демократия”, “халқ” каби ажойиб сўзлар янгради.

Тез орада Кесонгга Америка қўшини 38-параллел нотўғри чизилиши оқибатида кириб келганлиги учун унинг ўрнига собиқ СССР қўшини кириб келди:

“...미군이 진주하기 전부터도 개성에 미군이 들어올지 소련군이 들어올지 예측을 할 수가 없을 만큼 삼팔선이 아슬아슬하게 지나가고 있다면서 과연 어느 쪽이 들어오는 게 유리할까 흥미롭게 예상도 하고 논쟁도 하는 소리를 여러 번 들었지만 삼팔선이란 추상적인 선이 현실적으로 어떤 구속력을 갖게 될지는 아무도 몰랐다. 들어올 때와는 달리 미군은 소문도 없이 사라지고 소련군이 주둔을 하자 세상이 갑자기 흥흥해졌다<sup>2</sup>.”

“...38-параллел деган мавҳум чизиқ амалда қандай кучга эга эканлигини ҳеч ким билмасди. Америка қўшини кириб келган вақтдагидан фарқли равишда миш-мишсиз гойиб бўлди ва СССР қўшини ўрнашгач, дунё тўсатдан алғов-далғов бўлиб кетди”.

Темирўл орқали шимолдан жанубга кетаётган пиёда одамлар сони кундан-кунга кўпая бошлагани одамларнинг уруш олдида мажбурий ҳарбий хизматдан ёки ночорликдан бошқа юртларга кетишга мажбур бўлганлигидан далолат беради. Шу ўринда адиба япон аннексияси даврида яшаб ижод қилган ёзувчи Чхве Сохе қаламига мансуб “Қочкиннинг мактуби” ҳикоясини келтириб ўтади. Пак Вансо адиб ўз ҳикоясида тасвирлаган воқеаларнинг ҳаётдаги тасдиғини ўз кўзим билан кўрдим, деб ёзади. Шу кунга қадар ўқиган асарларини ҳаёлот дунёсига мансуб деб ўйлаган адиба кўз ўнгида содир бўлаётган ҳикоя сюжетини ташкил этувчи воқеаларнинг қанчалик ҳаётга яқинлигидан нафратланади, бу мутлақо ҳаётий ҳақиқат эканлигидан ҳатто кўрқув пайдо бўлганини таъқидлайди.

Оила зудлик билан пойтахтга кетиши керак эди. Чунки Кесонгда қолиш кундан-кунга хавfli эканлиги маълум бўлиб қолди. Сеулга кетиш учун анча ри<sup>3</sup> масофани пиёда босиб ўтига тўғри келади. Чунки СССР армияси жануб томонга ҳаракатладиган поезд йўлини

<sup>1</sup> Koreyada har bir amaldor xonadoni darvozasiga uy sohibining ismi-sharifi tushirilgan taxtacha ilib qo'yish qadimdan rusum bo'lgan. Taxtachada xonadonning qaysi sulolaga tegishliligi ma'lum bo'lgan.

<sup>2</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 랫던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 267-268 bet.

<sup>3</sup> Ri – masofa o'lchov birligi





ёпиб кўйган эди. Барча пиёдалар Ядари<sup>1</sup> кўприги томон ҳаракатланарди. Сеулга қатнов йўли ёпилгани боис бошқа чора йўқ эди. Ядари кўпригининг бир томонида СССР, иккинчи томонида Америка қўшини постда турган.

Даставвал йўловчиларнинг ўтиши чекланмаган ва ҳужжатлари текширилмаган. Атрофга тарқалган миш-мишлар сабаб аёллар ўзларини ночор кўрсатиш мақсадида бошларига кир сочиқлар ўраб олишган, ҳориган ва ёшини катта қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишган. Ядари кўприги ўртасида ҳам ўша маш'ум 38-параллел чизиғи чизиб қўйилган эди.

Кўприкдан ўтаётганда барчани титроқ босарди, барчанинг ёдига Япония мустамлакаси давридаги ҳарбийлар тушарди. Аммо бу ерда ҳар икки томон ҳарбийлари йўловчилар (қочқинлар)ни кузатиб туришарди, холос. Ҳар бир кишининг хаёлидан 38-параллел чизиғи нима ва у қандай экан, деган фикр ўтарди.

Пойезд тўхтайдиган жойга келишиб, кейин унга қандай қилиб чиқишганини муаллиф шундай тасвирлайди:

“출입문보다 창으로 타는 사람이 더 많았다. 닫힌 창은 우리를 부수었고 이미 많은 유리창이 부서져 있었다. 엄마가 나를 들어 유리창을 통해 안으로 밀어 넣었고 누군가 안에서 끌어당겨 주었다. 나도 밖에 남은 엄마를 필사적으로 도와 안으로 끌어들었다”<sup>2</sup>.

“...Ешикдан кўра ойнадан поездга чиқаётган сони кўп эди. Улар ёпилган ойналарни синдирар, кўпчилик ойналар эса аллақачон синган эди. Онам мени кўтариб, ойнадан ичкарига итарди, ичкаридан кимдир тортиб олди. Мен ҳам жон-жаҳдим билан ташқарида қолган онамни тортиб, ичкарига киришига кўмаклашдим”.

Бу мамлакатда бетартибликлар бошланганидан далолатдир. Инсонлар марказ шаҳар – Сеулга қараб ҳаракатланишмоқда, аммо олдинда уларни нима кутиб турганидан беҳабарлар. Ҳамманинг кўзида кўрқув, бир-биридан ҳадиксираган одамлар Сеул шаҳрига етиб келмасдан поезддан тушиб қолиши, олдинда барибир хатар борлигидан далолат беради.

Сеулга етиб келган бош персонаж мактабга қатнай бошлади. Мактабда япон миллатига мансуб ўқитувчиларнинг биттаси ҳам кўринмас, япон тили ўқитувчиси энди корейс тилидан сабоқ берарди. Қизиқарли жиҳати, корейс тилида китоблар мавжуд эмас, ўқувчиларнинг оғзидан япон сўзлари тушмас, уларни ўз она тилида гапиришга ўргатиш эса худди хорижий тилни ўргатишга ўхшарди.

Япон ҳукумати шошилишда Корея ҳудудларини тарк этишганида, кўп нарсалар қатори, китобларни ҳам ташлаб кетишга мажбур бўлишган эди. Қолдирилган китоблар атторлик моллари билан биргаликда сотиларди. Мана шу имконият сабаб, бош персонаж “Жаҳон адабиёти тўплами” китобига эга бўлди. Китобда “Граф Монте-Кристо”, “Илоҳий комедия”, “Фауст” каби асарлар жамланган бўлиб, муаллиф барча асарларни ўқиб чиқишга муваффақ бўлди.

Мана шу китоблар қаторидан Лев Толстой асарлари ҳам ўрин олди. Эски китоблар дўконида бу китобларни айнан адибанинг акаси сотиб олиб келган эди:

“다 주었는데 갈색표지의 장정이 하도 엄숙하여 도저히 읽어낼 것 같지 않은 인상부터 받았다. 그러나 『안나 카레니나』 『전쟁과 평화』 『부활』 등 톨스토이의 중요한 장편들은 그 후 오랫동안에 걸쳐서 이긴 하지만 여러 번 거듭해서 읽고 또 읽은 나에게 매우 중요한 문학이 되었다”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Yadari – tuya ko‘prik. Koryo davlati gullab yashnagan davrda uzoq Arab davlatlaridan savdogarlar kelib, tuyasini shu yerga bog‘lab qo‘ygani sabab kelib chiqqan nom. Bu Kesong shahri odamlarining eng yaxshi ko‘rgan joyi. Bu hududda tug‘ilgan bolalarning barchasi Yadari ko‘prigi tagidan olib kelingan, degan jummalarni ko‘p eshitishgan. Yoshligida ko‘p yig‘lagan adibaga kattalar “bu Yadari ko‘prigi tagidan olib kelinganmi”, deb tanbeh berishgan.

<sup>2</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 273-274 bet.

<sup>3</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 278 bet.





“Жигарранг муқоваси салобатлигидан асло ўқий олмайман, деб ўйлагандим. Бироқ шундан сўнг Толстойнинг “Анна Каренина”, “Уруш ва тинчлик”, “Қайта жонланиш” каби романларини узоқ вақт давомида бир неча маротаба қайта-қайта ўқигач, адабиёт қадрдонимга айланди”, деб ёзади.

Муаллиф жуда ҳам кўп китоблар ўқишга муваффақ бўлган, бир ўқиган китобини қайта ўқимаган, аммо Толстойнинг асарларини қайта-қайта ўқиган. Бунга сабаб аввал асарлар кийин туюлган, тушуниши ҳам бироз мушкул бўлган, аммо асар ичида “тушунарсииз” бир нарса унинг эътиборини тортган. Ва ниҳоят бу саволнинг жавобини топган адиба шундай дейди:

“...또 읽다가 차츰 재미를 느끼게 되고, 무엇 보다도 성격 묘사의 묘미에 최초로 매료당했기 때문 이라고 생각한다”<sup>1</sup>.

“...борган сари қизиқиш кучайди, энг қизиқарлиси адибнинг характер тасвирлаш жозибасига мафтун бўлган эдим...”.

Мустақиллик эришган мамлакатга гоҳ Америка кўшини, гоҳ СССР кўшини кириб келар, ҳар сафар Кесонг шаҳри бир сўллар, бир ўнлар қўлига ўтарди. Ва ниҳоят шаҳар жанубга қаршли эканлиги тасдиқланди.

Акасининг биринчи аёли вафот этгач, у таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Ҳар куни кечаси унинг хонасига нотаниш одамлар йиғилишар, нималарнидир муҳокама қилишар, пойтахт ҳукуматини кескин ва кўпол танқид қилишарди. Бу фикрлар қоғозга туширилар ва одамларнинг уйлари деворларига, телеграф устунларига ёпиштирилар эди. Синглиси акасини машҳур инсон бўлади, деб ўйлаган умидлари пучга айланди. Акаси қайси ғоя тарафдори эканлигини адиба ўзини худди ғурури топталгандек ҳис қилди.

Мана шу эпизодни киритиш орқали адиба бир оила вакилларининг орасида турли ғоя тарафдорлари пайдо бўла бошлагани кўрсатади. Айнан ана шу воқеалар сабаб она ва бола ўртасида зиддият юзага келади. Онаси фарзандларини яхши кўрган, уларни саводхон қилиш учун ҳатто катта келинлик бурчини ҳам ўтамаган, қайнона-қайнотанинг қаршилигига қарамай Сеулга кўчиб келган эди. Ўғли кўллаб-қувватлаган ғояни “хавфли” деб ҳисоблар, агарда ўғли қўлга тушса шавқатсиз кийноққа солинишини биларди.

Бу ғоя миллий қадриятларнинг бузилишига олиб келди. Жумладан, она учун сўллар вакилларининг бир-бирига, ҳатто ота-онасига “ўртоқ ота, ўртоқ она” деб мурожаат қилишлари тушунарсииз эди:

“너무도 간단하고 단호한 결정에 식구들이 다들 손 갈질을 멈추고 엄마의 입만 쳐다보았다”<sup>2</sup>.

“Бироқ онам бу ғоя оилани ҳам, инсоннинг ўзини ҳам жувонмарг қилади, деб, ўз фикрида қатъий эди”.

Сингил икки ўт орасида қолди: онанинг ёнини олсинми ёки акаси тараф бўлсинми? Оилавий муҳит хотиржам бўлмай қолди, бош персонаж мактабга ҳам қатнагиси келмай қолди. Чунки мактабда ҳам ҳамма ҳар хил фикр билдирар, “иттифок”лар кўпайиб кетган эди. Бош персонажнинг ҳатто яқин дўсти ҳам йўқ эди, турли фикр, турли ғоя тарафдорлари ҳатто “дўстлик” тушунчаси ҳақида унутган эдилар. Аслида бу одамларнинг орасида кенг тарқалиб кетган ишончсизлик белгиси эди.

Адибанинг энг яқин дўстлари бу – китоблар бўлиб қолди. Даставвал ғоявий курашлар ҳақида асарлар ўқиган бўлса, мустақилликдан сўнг корейс адабиётига – бадий асарлар ўқишга қизиқиши кучайди. Бу орада мактабда синфлар уч йўналишга бўлинди: гуманитар, табиий фанлар ва оила ишлари. Муаллиф гуманитар йўналишни танлади, бу унинг кўп

<sup>1</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 278 bet.

<sup>2</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 329-330 bet.





китоб мутолаа қилиши билан боғлиқ эди. Гуманитар фанлар синфига янги раҳбар келди ва у романнавис Пак Но Кап эди.

1950-йили адиба Сеул университетининг санъат ва табиий фанлар факултетига ўқишга кирди. Бир неча кун маъруза тинглаб улгурмаган талабалар 25-июннинг дахшатли воқеларига гувоҳ бўлишди:

“*등교하면서 가로수를 꺾어서 철모와 군용차를 시퍼렇게 위장하고 미아리고 개 쪽으로 이동하는 국군을 보고 비로소 섬뜩한 전쟁의 현장감을 느꼈으나 남들이 하는 대로 짹짹하게 박수도 치고 만세도 불렀다*”<sup>1</sup>.

“*Ўқишга бораётганимда шлем ва ҳарбий машиналарни синдириб олинган дарахт шохлари билан ниқоблаган ҳолда Миари довони томон ҳаракатланаётган Жанубий Корея қўшинини кўриб, ниҳоят ҳақиқий қўрқинчли уруш воқелигини ҳис қилган бўлсам-да, бошқаларга қўшилиб “яшасин” дея қичқирдим*”.

Университетда ҳолат бошқача эди, қизларга уйларига кетишга рухсат беришди, йигитлар эса митинг уюштиришди. “Талабалар ватан мудофаа отряди” номидан шимолга бориш, мамлакатни бирлаштиришга чорламоқчи бўлишди. Митинг иштирокчилари матнини ва улар бақир-чақир қилиб айтаётган шиорлар бош персонаж калбига таскин бера олмади.

Мана шу фикрлар адиба билан замондош, уруш йилларида таржимон бўлиб ишлаган, қатор асарлар муаллифи, ўзи ҳам гоҳо Шимолда, гоҳо Жанубда истиқомат қилишига тўғри келган Чхве Инхуннинг “Майдон” романида ҳам учрайди. “Майдон” романини Чхве Инхун уруш ҳақидаги ўсмирлик хотиралари, оиласи билан кўрган-кечирганлари, ҳарбий хизмат давридаги воқеларга асосланиб ёзган. Роман фуқаролар уруши даври ҳақида ёзилган илк асарлардан бири бўлиб, адиб ўз фикр-мулоҳазаларини мустамлака даври ёзувчиларидан фарқли равишда очик-ойдин баён этган. Биринчидан у асар яратишда таъқиқланган мавзуга кўл урган, иккинчидан, уни бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмаган. 1960-йил апрел ҳаракатлари ёзувчига янги куч бағишлади.

Роман бош қаҳрамони Мёнг Жун “шахсий ҳудуд” ва “майдон” бирлашган нуқтада фаровон жамият бўлади, деган фикрга келади. Зероки, “шахсий ҳудуд” соғлом фикрни англатса, “майдон” жамиятни англатади. Мёнг Жун назарида соғлом жамият хотиржамлик ва фаровон келажак калити эди.

Уруш булути борган сари мамлакатни қуршаб олган, тинимсиз отилаётган замбарак ўқларининг овозидан одамлар саросимига тушган, кўпчилик қочоқликка кетиш ҳаракатига тушишган эди. Адиба оиласи ҳам қочоқликка кетишга тайёр, аммо акадан дарак йўқ эди. Тун бўйи барча оила аъзолари иссиқ бўлишига қарамасдан пахта кўрпага ўраниб ўтиришди. Бу худди уларни замбарак ва бомба парчаларидан асровчи ягона йўл эди.

Фақат она пахта кўрпага ўранмади, у тинимсиз дарвоза ташқарига қатнаб ўғлини кутди, унга замбарак ва бомба овозлари ҳам, таъсир қилмас эди. Фикру-ёди ўғлида, унинг қайтиб келишини интизорлик билан кутарди. Аммо тонг отгач, кутилмаганда амаки олиб келган маълумотга кўра “дунё ўзгарган” эди. Бу Шимолий Корея қўшинининг кириб келганидан дарак эди.

Она саросимида қолди: наҳотки ўғли илгари сурган ғоя, ҳаётини хатарга қўйиб олиб борган кураш фаолияти, сўллар тарафида бўлгани – тўғри йўл тутган бўлса. Ҳатто қизи ҳам озгина вақт бўлса-да, сўллар ғоясига мойил бўлгани тўғри бўлса. Бу вақтда Шимолий Корея қўшини полисия маҳкамасини эгаллаб, аллақачон “жаҳолатпарастлар”ни жазолашга киришган эди.

Она қизидан нафратлана бошлади:

<sup>1</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 랫던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 337-338 bet.





“또 그놈의 정조관념인가. 정말로 어찌볼 수 없는 엄마였다. 하늘의 해와 달처럼 평명백백하고도 오직 두 개밖에 없는 이데올로기 말고 따로 신봉할 게 있는 엄마가 우스꽝스러워 보였다”<sup>1</sup>.

“Яна ўша лаънати фазилат туйғусими? Чиндан ҳам онамни тушуниб бўлмас эди. Осмондаги қуёши билан ойдек жуда равшан ва фақат иккита бўлган ғоядан ташиқари бошқа ғояга ишонувчи онам кулгули кўринди”.

Яна Чхве Инхуннинг “Майдон” романига қайтамиз. Романда “махфий хона” (“밀실”), “майдон” (“광장”), “бетараф мамлакат” (“중립국”) каби бир нечта рамзий маъно англатувчи иборалар учрайдики, асарнинг бадий-ғоявий мазмунини англашда уларнинг ўрни бекиёсдир. Бу ерда учта ғоя мавжуд, адиба ҳам ўз оиласи мисолида мана шу учта ғояга ишора қилади.

Кутилмаганда ака уйга бир тўда махбуслар билан кириб келди. Булар акаси билан ҳамфикр сўллар тарафига қарашли инсонлар эди. Сеулга кириб келган Шимолий Корея халқ қўшини, энг аввало, қамалган сиёсий жиноятчиларни озод қилган эди. Алмаштиришга бошқа кийими бўлмаган махбусларнинг либоси “ифтихор” белгисига айланди. Аммо аканинг сўлларга ҳам, ўнларга ҳам ишончи қолмаган эди.

Она уларга овқат тайёрлар экан, барибир қандайдир бир кўрқув уни тарк этмасди. Яқиндагина “япон ҳукумати” тарафдорлари деган тамгадан кутилиб улгурмаган оилани яна қандай “тақдир” кутиб тургани номаълум эди. Шу билан бирга ўғли ҳам Жанубий Корея худудида яшаб туриб, сўллар ғоясини илгари сурган вақтда тез-тез яшаш жойини ўзгартириб туришган эди.

Она кутган кўрқув сабаби ойдинлашди. Тез орада уйга акасини эски “ўрток”лари излаб кела бошлади. Улар аканинг жур’атсизлигини кўриб, “партиядан кечирим сўрашни кечиктиряпсан” деб танбех беришди. Шунда ака партия олдидаги бурчини оқлаш учун мактабда ҳақиқий ишчи ва деҳқонларнинг фарзандларига инқилобий билимлар бераман, деб ўзини оқлади.

Қўшниларининг ҳам фикрлари ўзгарди, энди улар кирди-чикдини тўхтатишди, ҳатто суҳбатлашишдан ҳам қочишарди. Худуд одамлари йиғилиб бирга бориб турп олиб келишарди, улар бу оилага ҳатто хабар ҳам беришмади.

Оилани боқиш учун ака мактабга ишга кирди. Аммо орадан уч кун ўтиб акани Шимолий Корея қўшини кўнгилли аскар сифатида олиб кетишди. Шу сабаб сингил ҳар куни Шимолий Корея қўшинининг ғалаба қозонишини кута бошлади, бу акасининг тирик қолишаг умид эди, холос. Бир неча кундан сўнг дунё яна ўзгарди. Ўтган уч ой вақт ичида шаҳарда ҳеч ким қолмагандек эди. Аммо янги хабардан сўнг сочлари ўсиб кетган, юзлари докадек оқ ёшлар кўчаларда кўрина бошлади.

Ёшлар қасос ўтида ёнишарди:

“복수의 정열이 그들을 살기충천하게 했다. 게다가 아직도 전쟁 중이었다. 죽이지 않으면 죽게 돼 있는 전쟁을 동족끼리 한다는 것은 끔찍한 일 이었다. 적은 피부색이나 언어가 다른 이민족이 아니라 그냥 공산당이였다”<sup>2</sup>.

“Қасос иштиёқи уларни қонхўр қилиб қўйди. Устига-устак ҳануз уруш давом этаётган эди. Ўлдирмасанг сени ўлдирадиган уруш бир миллат ўртасида бўлиши даҳшат эди. Душман ирқи ёки тили бошқа бўлган бегона миллат эмас, шунчаки коммунистик партия эди...”

Ёшлар қалбини ватанпарварлик ҳисси чулғаб олди. Ватанпарварлик бу – антикоммунистик ҳаракат эди, холос. Ҳар иккови бир кафтнинг икки томонига ўхшайди. Ҳарбий ҳолат жорий қилинди. Коммунистик ғоя тарафдорлари аёвсиз камокқа ташланар,

<sup>1</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 345-346 bet.

<sup>2</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 365-366 bet.







хатто баъзан сўраб ўтирмасдан ўққа тутиларди. Адибанинг амакиси ҳам Шимолий Корея кўшинини ўз уйига киритганлиги (аслида улар босиб олишган эди), аёли уларга ошпаз бўлиб хизмат қилгани учун ҳам аввал қамоқ жазосига тортилди, кейин отиб ташланди.

Кўшнилари “нафрати” ёки “марҳамати” туфайли хонадон тинтув қилинди. Кўшнилари оила аъзоларининг Шимолий Корея халқ кўшини билан бирга ҳудуддан чиқиб кетмаганликларига ажабланиб қарашди. Уйда бир тўда маҳбусларни меҳмон қилган оила қандай қилиб кўрқмасдан яна шу ерда яшашда давом этиши мумкин? Онаси қариллиги, келинойисининг энди кўзи ёриганлиги сабаб адибани қамоққа олиб кетишди:

*“그들은 마치 나를 짐승이나 벌레처럼 바라다보았다. 나는 그들이 원하는 대로 돼주었다. 벌레처럼 기었다. 정말로 그들에겐 징그러운 벌레를 가지고도 오 락거리를 삼을 수 있는 어린애 같은 단순성이 있었다. 다행히 그들은 빨갱이를 너무도 혐오했기 때문에 빨갱이의 몸을 가지고 희롱할 생각은 안 했다”<sup>1</sup>.*

*“Улар менга худди ҳайвон ёки ҳашаротга қарагандек муносабатда бўлишди. Улар нимани ишташса, мен шундай бўлдим. Ҳашаротдек ўрмаладим. Чиндан ҳам уларга жирканч ҳашаротни эрмак қилиб ўйнайдиган ёш болага ўхшаши оддийлик хос эди. Хайрият, улар коммунистларни жуда ёмон кўргани боис уларнинг танасига тегажоглиқ қилишни ўйламади...”*

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Пак Вансо уруш манзараларини чизар экан, унда инсон образи, инсон маънавияти, руҳиятига катта эътибор қаратади. Уруш фожеаси акс эттирилган қатор асарлар пайдо бўлади, аммо улар орасида санъат даражасига кўтарилганлари оз. Аммо Пак Вансо ўзи яратган романларида инсониятнинг таназзул тарихини, маънавий-руҳий инқирозини санъаткорона тасвирлай олгани учун унинг асарлари ўз китобхони аудиториясини топа олди.

Умуман олганда, Чхве Инхунни ҳам, Пак Вансонни ҳам битта мавзу “уруш” ва “бўлиниш” масаласи бирлаштириб турса-да, ҳар бири ўзининг услуби билан ажралиб туради. Ҳар икки ижодкор ижодида фуқаролар уруши мавзуи турлича талқин қилинса-да, уларни миллатни бирлаштириш масаласи бириктириб туради.

<sup>1</sup> Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 랫던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 369-370 bet.

